

АҚШ Коммунистик партиясининг 39 йиллиги

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь. (ТАСС). АҚШ Коммунистик партияси асос қилинган кунининг 39 йиллиги муносабати билан кеча кечқурун Барегги-Холл концерт залига оммавий митинг бўлди. Митингда АҚШ Коммунистик партияси фахрий раиси У. Фостернинг илҳомига элб олинишга нутқи эшиттирилди. Қўшма Штатлар Компартияси, деди у, «сўз революцияси шундай бир зарба берганидан кейин тез орада вужудга келдики, жаҳон капиталистик системаси бу зарбани кейин ўзини ростлаб ололмади ва ҳеч қачон ростлаб ололмади». АҚШ Коммунистик партияси «ўзи маъмул бўлиб келатган жўшқин ва оғир даврида энг кучли капиталистик эолиларнинг қаттиқ таъқибларига дуч келмоқда, шунингдек қириб бораётган капитализм томонидан тарқатилган ҳар хил сохта хабарларга қарши курашмоқда. Шундай бўлса ҳам... партия ишчиларнинг урушга қарши, фашизмга қарши, уюшган реакция-

га қарши олиб бораётган курашига қўшган ўз ҳиссаси билан фахрлана олади... АҚШ Коммунистик партияси империалистик реакциянинг ҳужумларига бардош бериб, бутун дунё капиталистик асосдан социалистик асосга тегиш билан ўзгаришларга эришди... яна ўзига ҳос бўлган ролини бажариш йўлида турибди».

АҚШ Коммунистик партиясининг секретари Ю. Деннис ўз сўзига ўзоқ Шарқдаги ҳозирги кризис Америка империализмининг агрессив сийасати натижаси эканлигини уқтириб ўтди.

Нотинг Совет Иттифоқининг ва ҳалқ Хитойнинг тинчлик йўлидаги ташаббусини таъкидлаб, АҚШ Коммунистик партияси тинчлик учун курашда бутун кучини сарф қилади, деди.

АҚШ Компартияси миллий комитетининг аъзоси Б. Дэвис негрларнинг ҳуқуқлари учун ва негр халқининг тенг ҳуқуқлилиги учун курашда АҚШ Коммунистик партиясининг ролини кўрсатиб ўтди.

Митингда Қўшма Штатларнинг Тайвань районидан ва Хитойнинг қирғоқ ёнидаги оролардан кетишни ва ҳалқ ўзининг барча қорабларни ва қўшнларини Тинч океан районидан олиб чиқиш кетишини талаб қилганга резолюция қабул қилинди. Бошқа иккита резолюцияда сийосий маҳбўсларга амнистия эълон қилиниши ҳамда Кубада диктатор Батистонинг АҚШ томонидан қўллаб-қувватланишига хотима берилиши талаб қилинди.

Митинг қатнашчилари Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Франция, Хитойнинг Япония, Тунис, Колумбия, Норвегия, Голландия, Канада, Аргентина ва бошқа қўшма мамлакатлардаги қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг табрикномаларини самимий кутиб олдилар. Бу табрикномаларнинг текстлари «Уоркер» газетасида эълон қилинган.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН КОРЕЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ЎЗARO ТОВАР ЭТКАЗИШ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

ПЕКИН, 28 сентябрь. (ТАСС). Синхуа агентлигининг хабар беришича, Корея Халқ-Демократик Республикаси министрлар кабинети раисининг ўринбосари Ли Чжу Ён бошчилигидаги Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумат делегацияси Хитойда бўлган вақтида иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик масалалари юзасидан Хитой Халқ Республикаси вакиллари билан музокаралар олиб борди. Музокаралар дўстона ва самимий вазиятда ўтди. Кеча Пекинда иккала томон вакиллари 1959 — 1962 йилларда ўзаро товарлар этказиш бериш тўғрисида Хитой-Корея битими ҳамда Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг Корея Халқ-Демократик Республикасига қарз бериши ҳақида битимлар имзоладилар.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ЯНГИ ЖИДДИ ОҒОХЛАНТИРИШИ

ПЕКИН, 28 сентябрь. (ТАСС). Синхуа агентлиги билдиради: 28 сентябрда Американинг 22 қирувчи самолёти Фуцзянь вилоятидаги Сямьинь районига Хитой Халқ Республикасининг территориял суварлари ўстидаги ҳаво масофаларига турли вақтда бостириб кирди. Американинг беш қорабли Фуцзянь вилоятида мамлакатининг территориял суварларига бостириб қарди.

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили қўйилганларни айтиш учун вакил қилинди. Америка Қўшма Штатларининг бу жиддий қарбий ишворарини муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўн олтинчи марта жиддий равишда оғохлантиради.

ИНДОНЕЗИЯ ЖАЗОИР РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИ ТАНИДИ

ЖАКАРТА, 28 сентябрь. (ТАСС). Кеча Индонезия министрлар кабинетининг факультетда мажлисдан кейин эълон қилинган ахборотда Индонезия ҳукумати Жазоир Республикасининг муваққат ҳукуматини таниши қарор қилди, дейилади.

АМЕРИКА КОНГРЕССИ АЪЗОСИ ДАЛЛЕСНИНГ ИСТЕҒОФ БЕРИШИНИ ТАЛАВ ҚИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 28 сентябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшл агентлигининг Вашингтондаги мухбири хабар беришича, вакиллар палатасининг аъзоси Френк Чейф (Кентукки штатидан демократ) президент Эйзенхауэрга мактуб юборган. Бу мактубда у давлат секретари Даллеснинг истеғоф беришини талаб қилмоқда. «Ҳозирги вақтда, — деб ёзди Чейф, — бизнинг ҳеч қандай ташқи сийосатимиз йўқ, давлат секретари Даллес эса бизни шундай урушга тортиқмоқчи бўлибди, бу урушда биз атом қуролини ишга солишга ваъда берган бўлсак керак». Даллеснинг хатлари учун йиғиларининг жанг қилишидан кўра Даллес ўз лавозимидан воз кечса, «анча ахшироқ бўлар эди», дейди у.

Даллес номига ёган хатида Чейф Американинг Циньминьлао оролини «ҳимоя қилиш» сийасати «мушқул асосида» ва «хатто фалокатга сабаб бўлади» деб таъкидлайди.

ЛИВАН ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

БАЙРУТ, 28 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Ливан министрлар советининг мажлиси тўғрисида ахборот эълон қилинди. Мажлисда мамлакатдаги турмуш нормалаштириш масаласи муҳокама қилинган.

Министрлар совети Байрутда кундузи комендант соатини бекор қилишга ва пойтахтга савдо-саноат ҳамда маъмурий ҳаётини нормалаштиришга қарор қилган. Тартибсизлик туғдириш ёки иттифоқлар қилиш йўлидаги ҳар қандай уришлар куч ёрдами билан бостирилади, деб қўрсатилган ахборотда.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА ЁР СУНЬИЙ ЎЗЛО-ШИНИ УЧИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ-СИЗ УРИНИШ

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь. (ТАСС). Америка телеграф агентликлари хабар беришича, кўра, кеча АҚШ да Ёрининг 9,76 килограмм оғирлигидаги сунъий йўлдошини уч босқичли «Авангард» ракетаи ёрдами билан учуришга уриниб қўйилган. АҚШ мудофиа министрлигининг бугун билдиришича, йўлдош орбитага чиқмади ва Ёр атмосферасида қуйиб кетилди.

ТУРЛИ КАСБ ЭТАЛАРИ

Дори тайёрловчилар



Онланнинг бирор аъзоси тўвадган бетоб бўлиб қолса уни дарҳол касалхонага олиб борилади ёки уйга врач чақирилади. Врач касалга диагноз қўйгач, аптекага рецепт ёзиб беради. Ана шу қозғаниш кўтариб аптекага борсангиз ё тайёр дорини қўлингизга тутқазингиз ёки дорининг тайёр бўлиш вақтини айтишга, Бемор юқори малакали фармакологлар томонидан тайёрланган дорини ичиб сора-яни, халқимиз соғлиги посбонларига раҳмат айтиди.

Биз Тошкентдаги 1-марказий аптекада дори-дармонларнинг қандай қилиб ва қиммат томонидан тайёрланаётгани билан танишдик. Мана кенга ва ёруғ, озода хонага қойилган лаборатория. Бу ерда оппоқ халат кийиб олган дори тайёрловчилар ва уни текшираётган анализчилар қизини иш билан банд. Уларнинг ҳар бири ҳам чақонлик ва мохирлик билан ҳаракат қиларди: қўллар қичик-қичик тош-тарозичаларда ўлчанган дорининг бирини иккинчисига аралаштириб қозғолазга ўрайди, уни анализчи томонга суриб қўйди. Турли қичик-қичик найчалар ёнида ўтирган анализчи уни кўздан кечириб, текширмоқда. Рецептда белгиланганча турли тайёрланган дорилар закарчиларга тарқатиладиган бўлибди чиқарилиб турибди.

Юқоридаги расмларга қараганг. Булар оддий ўзбек қотин-қизлари Мафҳуза Абдуазимова ва Нафиса Мухамедова. Бу меҳнатсевар аёлларни аптека коллективини жуда ҳурмат қилади.

Мафҳуза Абдуазимова Тошкентдаги Охунбобоев номидаги медицина техникумини тамомлади, шаҳардаги аптекаларда бир неча йил ишлади. 1-аптекада дори тайёрловчи бўлиб ишлаётгани ҳам 10 йил бўлиб

қолди. Абдуазимова ана шу вақт ичида ўз ишнинг ҳақиқий устаси бўлиб олди. Шунинг учун ҳам у тайёрлаган дори сира брак қилинмайди.

Аптека маъмурияти Мафҳуза опаннинг самарали хизматларини тақдирлаб, унга бир неча марта ташаккурнома эълон қилди.

1955 йилда Тошкентдаги фармацевтика институтини тамомлаб чиққан олий маълумотлиқ қиз Нафиса Мухамедова химик-анализчи бўлиб ишлади. Дорининг қанчалик турли ёки нотўғри эканлигини аниқлаш ана шу Нафиса Мухамедова зиммасида.

Тайёрланган шунча кўп дорини Нафиса Мухамедованинг ёлғиз ўзи қандай қилиб қисқа вақт ичида текшира олади, деган савол туғилиши мумкин. Ҳозир аптекада тайёрланган дори реактив орқали экспресс йўли билан анадиз қилинади. Ўртоқ Мухамедова мана шу методни жуда ахши ўзлаштириб олган. У битта дорини анализ қилишга бир минутага яқин вақт сарфлайди, холос.

— Шу аптекада, — дейди аптека бошқарувчиси ўртоқ Қ. Ситдиков, — 1924 йилга қадар марҳум Мирзаимовнинг ёлғиз ўзи ҳам дори тайёрловчи, ҳам анализчи бўлиб ишлаган. У вақтда кадрлар кам эди. Ҳозир бу ерда 11 киши ишлайди. Улардан 9 киши маҳаллий кадрлар. Булар орасида Матлуба Бурҳоновна, Меҳри Назимова, Муаттар Умархўжаева ва бошқалар тайёрловчилар бор. Улар ҳам Мафҳуза Абдуазимова сингари садоқат билан ишлайдилар.

Т. УНАБОВ. Суратларда: (чапдан) дори тайёрловчи Мафҳуза Абдуазимова ва анализчи Нафиса Мухамедова ўртоқлар иш устида. В. Панов фотолари.

Халол меҳнат даромадидан

Оққўрғон районининг Азимкент қишлоқ Совети территориясига «Ленинбоб», Ворошилов номи, Тельман номи колхозлар илгир пахтакор хўжаликлардан ҳисобланади. Бу колхозлар ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб, давлат планини бажардилар ва катта даромад оладилар. Шунинг орқасида 100 лаб колхозчи хонадонлари ўз меҳнат кунларига йил охирида 18—20 минг сўм пул ва 2,5—3 тоннадан гада олиб турибдилар.

Халол меҳнат даромадидан 130 га яқин хўжалик янги типда уй қуриб, қўйиб кирди. Шунингдек 30 дан ортиқ хўжалик телевизор сотиб олган. Колхоз аъзоларидан ана 64 хўжалик ўзлари учун янги уй қурмоқдалар. Улар Улуг Октябрь Социалистик революциясининг 41 йиллик байрамни янги уйларида ўтказдилар.

Қишлоқ Совети территориясига янги колхозчи ва ишчи-хизматчилардан 828 киши давлат омонат кассасига 2 йил ичида 1 миллион 266 йил миң сўм пул жамғариб қўйди.

М. ОДИНОВ.

ШАХМАТ

СССР биринчилиги учун

Утган шабаб кунин СССР шахмат биринчилиги ярим финал мусобақасида иккинчи турда ўйнамайд қолган Геллер — Грушевский партияси ўйналди ва аввали турларда тамом бўлмай кечтирилган партиялар давом эттирилди. Қора доналар билан ўйнаган Грушевский ҳалқаро гротмейстер Геллерга (Олесе) қарши мерчанга ҳимоя устулини қўллаб, мураккаб ва кескин ўйинга интилиди. Лекин гротмейстер рақибининг ўйини бошида тезлик билан юрши қилганидан фойдаланиб, ўйинни кескинлаштиришдан атайин беш тортиди. У ўзи учун қулай пайтдан фойдаланиб, қўшма доналарни алмаштириб Натияжада Грушевский позициясиз афалик пайдо бўлди. Геллер булдан усталик билан фойдаланиб, рақибини таслим бўлишга мажбур қилди.

Ленинградлик мастер Бившев ушта кечтирилган ўйинни тамомлади. Бившев Тарасов (Омск) устидан гадаба қозонди, аммо гротмейстер Корчубойа (Ленинград) ютказди. Ҳамшаҳари мастер Владимиров билан бўлган ўйинга эса дуранга роли бўлди. Мастерликка қандидат Петерсон (Рига) ҳалқаро гротмейстер Симягин билан кечтирилган партияни давом эттирмасдан ўз маълумиятига иқдор бўлди. Мастерликка қандидат Бастириков (Свердловск) спорт мастери Рубель устидан гадаба қозонди.

Шундай қилиб, беш турдан сўнг Холмов (4,5 очко), Гипсис (4 очко) ва Симягин (3,5 очко) мусобақада олдида бормоқда.

У. ЭЛБЕКОВ,

мастерликка қандидат.

Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия Республикаси ҳукуматларининг қўшма баёноти

БЕРЛИН, 27 сентябрь. (ТАСС). Ғарб давлатларининг фашист давлатлари — Германия ва Италия билан Мюнхенда тил бириктирилганга 20 йил ўтгани муносабати билан Германия Демократик Республикаси беш министр хузуридаги матбуот бошқармаси бугун матбуот конференцияси ўтказди.

Журналистларга Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия Республикаси ҳукуматларининг қўшма баёноти тарқатилди. Бу баёнотда таъкидланадики, Мюнхен битими янги замоннинг энг шармандали ҳужжатидир, бу битим гитлерчилар Германиясига иккинчи жаҳон урушини бошлаб юбориш йўлини очиб берди. Мюнхен битими Чехословакия Республикасини герман империализми ва милитаризмга қўрбон қилиб қўйди.

Совет Иттифоқи, дейилади баёнотда, Мюнхен сийасатига қатъий равишда қарши чиққан ва унинг муқаррар оқибатларига бошдан оқ бутун дунёнинг эътиборини қаратган бирдан-бир давлат бўлди. Совет Иттифоқи Чехословакия Республикасига нисбатан ҳамма мажбуриятларини бажаришга ва у билан бирга қарарат қилиб, агрессивни даф этишга тайёр бўлди.

Баёнотда айтилишича, ҳозирги кунда ҳам империалистлар Мюнхен сийасатини такрорлашга ана уришмоқдалар ва Европадаги ҳамда бутун дунёдаги халқларга қарши яна тил бириктиришга тайёрланмоқдалар.

Баёнотда айтилишича, ҳозирги кунда ҳам империалистлар Мюнхен сийасатини такрорлашга ана уришмоқдалар ва Европадаги ҳамда бутун дунёдаги халқларга қарши яна тил бириктиришга тайёрланмоқдалар.

Баёнотда айтилишича, ҳозирги кунда ҳам империалистлар Мюнхен сийасатини такрорлашга ана уришмоқдалар ва Европадаги ҳамда бутун дунёдаги халқларга қарши яна тил бириктиришга тайёрланмоқдалар.

Ҳозирги вақтда уларга АҚШдаги урушқоқ доиралар бошчилиқ қилмоқдалар... Империалистларнинг Янги ва Ўрта Шарқдаги агрессив ҳаракатлари, шунингдек Қўшма Штатларнинг Хитой Халқ Республикасига қарши қарбий ишворалари яна шу сийасатнинг афшосидир.

Сўнгра, ҳар иккала ҳукумат шун айтидиларки, Германия Федератив Республикаси ҳозирги вақтда Европада бошқа давлатларга нисбатан территориял даъволар қилмаётган ва ўз агрессив ниятларини яширмаётган бирдан-бир давлатдир. Бунинг ҳукумати ревалит талабларини ўз сийасатининг таркибий қисмларидан бири қилиб қўйган.

Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия Республикаси ҳукуматлари баён этидиларки, агрессив ва қарбий авантюралардан иборат империалистик сийасатга ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик давлатларнинг конструктив тинчлик сийасати қарама-қарши бўлиб турибди. Бу сийасатини бутун дунёдаги қудратли тинчлик кучлари қўллаб-қувватламоқда. Совет Иттифоқининг қудратли тинчлик сийасатини ҳал этиш соҳасида, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар билан НАТО давлатлари ўртасида ҳужум қилишмаслик тўғрисида битим тузиш, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш, давлатлар ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш ҳамда қарбий пропагандага тўхта-

тил таъдирлари тўғрисида, шунингдек Янги ва Ўрта Шарқда кескинлик йиғилиш таъдирлари ҳақида илгари сурган янги таъдирлари бу тинчлик сийасатининг конкрет ифодасидир. Нольша Харф Республикасининг Европада атомсиз зонани урушда келтириш тўғрисидаги таъдирлари ва Германия Демократик Республикасининг Германия билан тузилган сулҳ шартномасининг таъдирлари тўғрисида янги таъдирлари ҳам Европа хавфсизлиги учун катта аҳамиятга эга.

Баёнотда таъкидланадики, Германия ва Чехословакия халқлари ўртасидаги муносабатлар Европада хавфсизлик учун ва тинчлик таъдирлари учун ҳамма катта аҳамиятга эга бўлиб келди. Германия Демократик Республикаси билан Чехословакия Республикаси ўртасида вужудга келган муносабатлар халқлар ўртасида ўзаро манфаатли тинч ҳамкорликнинг намунасидир. Шу сабабли, иккала мамлакат халқлари умумий манфаатларга ва мақсадларга асосланган дўстлик ва қардошларча ҳамкорлигини бундан бун ҳам ҳар томонлама мустақамлашлар ва қўлайтирилди.

Пировардига, иккала ҳукумат Мюнхен сийасатини янгидан вужудга келтириш йўлидаги ҳар қандай уришларга қарши бутун дунёдаги тинчлик кучлари билан биргаликда ишчи кураш олиб боришга қатъий бел боғлаганликлари айтилди.

Пировардига, иккала ҳукумат Мюнхен сийасатини янгидан вужудга келтириш йўлидаги ҳар қандай уришларга қарши бутун дунёдаги тинчлик кучлари билан биргаликда ишчи кураш олиб боришга қатъий бел боғлаганликлари айтилди.